

Шариатда қиёс жоизлиги | Ҳадис дарслари (260-дарс)



19:00 / 13.12.2023 3401

يَلَاغَتْ هَلْ لَاقٍ: وَأَيْدِيكُمْ يُوْجُوْهُكُمْ فَاْمَسْحُوْا طَيِّبًا صَعِيْدًا فَتَيَمُّوْا

مِنْهُ

Аллоҳ таоло:

«Бас, пок тупроқ ила таяммум қилинглр. У ила юзларингизга ва қўлларингизга масҳ тортинглар», деган (Моида сураси, 6-оят).

«Пок тупроқ» – Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳаблари тушунчасида ғуборли тупроқни ва қумни англатади.

Ҳанафий ва Моликий мазҳаблари тушунчасида эса тупроқ, қум, майда тошлар каби ер жинсига мансуб бўлган барча нарсаларни ўз ичига олади.

Таяммум қиладиган одам ушбу ояти каримага амал қилиб, аввал икки кафтини ерга уриб, улар билан юзига масҳ тортади. Кейин яна икки кафтини ерга уриб, чап кафти билан ўнг қўлига, ўнг кафти билан чап қўлига масҳ тортади.

بِأَطْحَالٍ نَبْرَمُعِ يَلِجَرَءَاجِ
مَلَفُتْبَنْجَآيِّنَا: لَاقَفِ
نُبْرَامَعَلِاقَفِ، ءَامَلِابِصُأ
أَمْأ: بِأَطْحَالٍ نَبْرَمُعِ لِرَسَايِ
أَنَأِرَفَسِي فِأْنُكُذِإُرُكُذَتِ
لَصُتْمَلَفَتْنَا أَمْأَفِ، تَنْأَوْ
تِيْلَصَوْتُكُغَمَتَفِ أَنَأَمْأَوْ
يْلَصِيْبِنَلَلِكِلَذُتْرَكَذَفِ
: لَاقَفِ مَلَسَوْهِيَ لَعُهُلَلِ
أَذَكَهَكَيْفُكَيِنَاكَ أَمْنَا
ضُرَأَلِإِيْلَعِ هِيَ فِكَبَبَرَضَفِ

أَمْرٌ بِحَسَمِ مَثِ أُمِّهِ فِخْفَانٍ وَ عَسْمِ خُلَا هَاوَرِ، هِيَ فَكَّ وَهُجَّو

Умар ибн Хаттобнинг ҳузурига бир одам келиб:

«Мен жунуб бўлдим ва сув топа олмадим», деди.

Бас, Аммор ибн Ёсир Умар ибн Хаттобга:

«Эслисанми, мен билан сен икковимиз сафарда бўлган эдик. Сен намоз ўқимаган эдинг. Мен эса тупроққа беланиб, сўнгра намоз ўқидим. Кейин эса буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилдим. Бас, у зот:

«Албатта, сенга мана бундай қилишинг кифоя қилар эди», деб, ерга икки кафтларини уриб, уларга пуфлаб туриб, сўнгра улар билан юзларига ва икки кафтларига масҳ тортган эдилар», деди».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадисдан жунуб одам ҳам таҳорати йўқ одам каби таяммум қилиши кераклиги келиб чиқади. Ҳазрати Умар ва Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳумларнинг сафарда жунуб бўлиб қолишлари ҳодисасида Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг намоз ўқимаганликлари сув топиб, ғусл қилиб кейин ўқишни ният қилганларидандир.

Бошқа ривоятларда у кишининг Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳуга: «Сув топмагунингча намоз ўқимай тур», деб маслаҳат берганлари ҳам келтирилган.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Билмаган нарсасини биладиган одамдан сўраш зарурлиги.
2. Керакли ўринда бўлиб ўтган нарсани шеригининг ёдига солиш яхшилиги.
3. Шариатда қиёс жоиз эканлиги.

Аммор ибн Ёсир розияллоху анху ғуслга қиёс қилиб, жунуб бўлганларида тупроққа думаладилар.

4. Бўлиб ўтган иштибоҳли нарсани бошлиқ, олим кишиларга зикр қилиш.

5. Шаръий масалаларни янада тушунарли бўлиши учун иложи бўлса, амалда қилиб кўрсатиш кераклиги.

6. Қандай кайфиятда таяммум қилиш баёни.

7. Имом Молик ва баъзи кишилар ушбу ҳадисни ҳужжат қилиб, «Таяммумда кафтига масҳ тортса бўлди, чиғаноғигача масҳ тортмаса ҳам бўлаверади», дейишган.

Аmmo жумхур уламолар, жумладан, Ҳанафий мазҳаби уламолари ушбу ҳадиснинг бошқа бир ривоятида ва бошқа ҳадисларда келган маънони эътиборга олиб, «Билакларга чиғаноқлар билан қўшиб, масҳ тортилади», деганлар.

8. Агар кафтлар чангли тупроққа урилса, пуфлаб юбориш суннат эканлиги.

9. Шундан Абу Ҳанифа «Чанги йўқ ер жинсига уриб, пуфламай, таяммум қилса бўлаверади», деганлар.

10. Ислом динининг енгиллик дини эканлиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 18 февралдаги 03-07/1102-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.